

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ



ПОСТАНОВЛЕНИЕ
ПРЕЗИДЕНТА
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

2018 ийл „26“ июнь

№ ПК-3803

“—” 20 г.

**«Илғор фермер», «Мехнаткаш дехқон» ва «Намунали томорқачи»
кўқрак нишонларини таъсис этиш чора-тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 октябрдаги «Фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг хуқуклари ва қонуний манфаатларини химоя қилиш, қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5199-сонли Фармонига мувофиқ «Илғор фермер», «Мехнаткаш дехқон» ва «Намунали томорқачи» кўқрак нишонлари таъсис этилганлиги муносабати билан мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги тармоғини ривожлантириш ишларига муносиб ҳисса қўшган соҳа ходимларининг меҳнатини муносиб тақдирлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг «Илғор фермер», «Мехнаткаш дехқон» ва «Намунали томорқачи» кўқрак нишонларини Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги ходимлари куни арафасида топшириш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Белгилаб қўйилсинки, «Илғор фермер», «Мехнаткаш дехқон» ва «Намунали томорқачи» кўқрак нишонлари билан мукофотлаш Ўзбекистон Фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг қарори асосида амалга оширилади.

3. Куйидагилар:

«Илғор фермер» кўқрак нишони тўғрисидаги Низом 1-иловага мувофиқ;

«Илғор фермер» кўқрак нишони ҳамда унинг гувоҳномасининг тавсифлари 2 ва 3-иловаларга мувофиқ;

«Мехнаткаш дехқон» кўкрак нишони тўғрисидаги Низом 4-иловага мувофик;

«Мехнаткаш дехқон» кўкрак нишони ҳамда унинг гувохномасининг тавсифлари 5 ва 6-иловаларга мувофик;

«Намунали томорқачи» кўкрак нишони тўғрисидаги Низом 7-иловага мувофик;

«Намунали томорқачи» кўкрак нишони ҳамда унинг гувохномасининг тавсифлари 8 ва 9-иловаларга мувофик тасдиклансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси белгиланган тартибда «Илфор фермер», «Мехнаткаш дехқон» ва «Намунали томорқачи» кўкрак нишонлари ва уларнинг гувохномалари тайёрланишини таъминласин.

5. Ўзбекистон Фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг «Илфор фермер», «Мехнаткаш дехқон» ва «Намунали томорқачи» кўкрак нишонлари ва уларнинг гувохномаларини тайёрлаш ҳамда мукофотланганларни тақдирлаш билан боғлиқ харажатлар Кенгаш маблағлари хисобидан қопланиши тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда норматив-хукукий хужжатларга ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва кўшимчаларни киритсин.

7. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринbosари З.Мирзаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Тошкент шаҳри



Ш. Мирзиёев

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2018 йил 26 июн даги ПК-3803
карорига 1-илова

«Илғор фермер» кўқрак нишони тўғрисидаги НИЗОМ

1. «Илғор фермер» кўқрак нишони (кейинги ўринларда – кўқрак нишони) билан мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантириш, унинг иқтисодий қудратини ва экспорт салоҳиятини юксалтириш, халқимизнинг ризқрўзи ва фаровонлигини, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ишларига муносиб ҳисса қўшиб келаётган, қишлоқ хўжалигининг пахтачилик, ғаллачилик, боғдорчилик, узумчилик, сабзавот-полизчилик, чорвачилик, балиқчилик, паррандачилик, асаларичилик ва бошка йўналишларида самарали фаолият кўрсатаётган, соҳага оид илм-фан ютукларини амалиётга жорий этган, замонавий технологиялардан унумли фойдаланаётган ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда юкори хосилдорликка эришаётган, уларни қайта ишлаш, саклаш, тайёрлаш ва экспорт килиш ишларидаги салмоқли натижаларни кўлга киритаётган, кўп тармокли фаолиятни йўлга кўйган, моддий-техник базаси мустахкам, тажрибали ва илғор фермер хўжаликлари раҳбарлари тақдирланадилар.

2. Кўқрак нишони билан тақдирлашга оид дастлабки таклифлар туман қишлоқ хўжалиги бўлими ҳамда ер ресурслари ва давлат қадастри бўлими билан ҳамкорликда туман фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши томонидан шакллантирилади.

3. Туман фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ҳар йилнинг 1 ноябрь санасига қадар туман ҳокимлиги билан келишган ҳолда кўқрак нишонига тавсия этилаётган номзодларнинг фаолиятига оид барча тегишли ҳужжатларни Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашларига тақдим этади.

4. Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бўйсунувидаги шаҳарлардан кўқрак нишони билан тақдирлашга оид таклифлар тегишли шаҳар ҳокимларидан келишилган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашлари томонидан шакллантирилади.

5. Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашлари кўқрак нишони билан тақдирлашга тавсия этилган номзодлар бўйича ҳужжатларни кўриб чиқиб, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва вилоятлар ҳокимларидан келишилган ҳолда ҳар йилнинг 15 ноябрь санасига қадар Ўзбекистон Фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашига тақдим этади.

6. Ўзбекистон Фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши кўқрак нишони билан тақдирлашга оид таклифларни кўриб чиқиб бўйича соҳанинг етакчи мутахассисларидан иборат Комиссияни ташкил этади.

Комиссия йигилишида номзодлар бўйича хужжатлар кўриб чиқилиб, ҳар йилнинг 1 декабрь санасига қадар якуний хулосалар қабул қилинади.

Комиссия хулосасига асосан кўкрак нишони билан тақдирлаш бўйича Ўзбекистон Фермер, дехқон хўжаликлари ва томорка ер эгалари кенгашининг карори қабул қилинади.

7. Кўкрак нишони ва унинг гувохномаси мукофотланганларга Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги ходимлари куни арафасида Ўзбекистон Фермер, дехқон хўжаликлари ва томорка ер эгалари кенгаши раиси ёки унинг топшириғига биноан бошқа масъул шахслар томонидан тантанали вазиятда топширилади.

8. Кўкрак нишони билан тақдирлаш тўғрисидаги карор Ўзбекистон Фермер, дехқон хўжаликлари ва томорка ер эгалари кенгашининг оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

9. Кўкрак нишони билан мукофотланган шахслар энг кам ойлик иш ҳақининг икки баравари миқдорида бир йўла тўланадиган пул мукофоти оладилар.

Бир йўла тўланадиган пул мукофотлари Ўзбекистон фермер, дехқон хўжаликлари ва томорка ер эгалари кенгаши маблағлари хисобидан амалга оширилади.

10. Бир шахс кўкрак нишони билан бир марта мукофотланади.

11. Кўкрак нишони давлат мукофотларидан кейин кўкракнинг чап томонига тақилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2018 йил 26 июн даги ПК-3803
қарорига 2-илова

«Илғор фермер» кўкрак нишонининг ТАВСИФИ

«Илғор фермер» кўкрак нишони 38x49 миллиметр ўлчамдаги овал шаклида бўлиб, мис қотишмасидан тайёрланади.

Кўкрак нишонининг четки ён томонларида халқимиз фаровонлиги ва ризқрўзи рамзи бўлган тимсоллар акс эттирилган бўлиб, унинг чап ён томонида буғдой бошоклари ҳамда очилган пахта чаноқлари, ўнг ён томонида эса узум шингили ва мевалар тасвирланган.

Кўкрак нишонининг марказида қуёшнинг мажозий тимсоли сифатида тўқ сариқ рангли эмалдан ишланган тишли ғилдирак (шестерня) механизми жойлашган бўлиб, ушбу тасвир фермер хўжаликларида ишлаб чикариш тармоғи жадал ривожланаётганлигининг рамзий маъносини ифода этади. Унинг тепа қисмида қуёшдан тараалаётган нур ҳамда Ўзбекистон Республикасининг давлат байроби рангларидағи эмалдан ишланган, четлари зарҳал ҳошия билан ўралган буғдой бошоги кўринишидаги тасвир жойлашган. Куёш тимсолининг пастки қисмида мамлакатимизнинг бетакрор табиатини ифода этувчи яшил водий ва мовий тоғлар ҳамда икки дарё тасвири акс этган.

Кўкрак нишонининг юкори қисмида янгиланиш, юксалиш ва яратувчилик каби маъноларни англатувчи кўк рангли саккиз киррали юлдуз жойлашган бўлиб, унинг четлари зарҳал ҳошия билан ўралган.

Кўкрак нишонининг четки қисмларида кўп тармокли фермер хўжаликларининг рамзий белгиларидан бири сифатида асаларининг мумкатақчалари акс эттирилган.

Кўкрак нишонининг пастки қисмида кўк рангли шаклдор лента тасвирланган бўлиб, лента ичida икки каторда, тилла рангда, ҳарфларнинг баландлиги 2,5 миллиметр бўлган «ILG'OR FARMER» ёзуви жойлашган.


Кўкрак нишонининг орка томонига кийимга такиб қўйиш учун тўғноғич кўринишидаги мослама ўрнатилган.

«Илгор фермер» кўкрак нишони

Олд томони



Орка томони



«Илғор фермер» кўкрак нишони гувохномасининг ТАВСИФИ

«Илғор фермер» кўкрак нишони гувохномаси 160x110 миллиметр ўлчамдаги китобча шаклида бўлиб, 240 г/кв.м. қалинликдаги офсет қофоздан тайёрланади.

Гувохноманинг ташқи томони (биринчи ва тўртинчи бетлари) кўк рангда бўлиб, плёнка билан қопланган.

Гувохноманинг биринчи бети эни 7,5 миллиметрли, ички бурчаклари айлана шаклида бўлган тўк кўк рангли хошия билан ўралган.

Гувохноманинг юқори чеккасидан (биринчи бети) 35 миллиметр пастда, марказда оралиғи 3,5 миллиметрли икки сатрдан иборат матн жойлашган. Биринчи сатрда «ILG'OR FERMER» (катта ҳарфларда, «Times new Roman Bolt» шрифти, 17-кегль), иккинчи сатрда «ko'krak nishoni» («Times new Roman Bolt» шрифти, 17-кегль) сўзлари ёзилган. Ундан 6 миллиметр пастда «GUVOHNOMASI» (катта ҳарфларда, «Times new Roman Bolt» шрифти, 17-кегль) сўзи ёзилган. Ёзувлар зарҳал рангда акс эттирилган.

Гувохноманинг ички томони (иккинчи ва учинчи бетлари) «Тангир» тасвири туширилган оч мовий рангда бўлиб, офсет усулида чоп этилган.

Ички томонининг чап қисмida (иккинчи бети), марказда кўкрак нишонининг аслига тенг ўлчамдаги рангли тасвири акс эттирилган.

Гувохноманинг ички ўнг томони (учинчи бети) юқори чеккасидан 8 миллиметр пастда, марказда «GUVOHNOMA» (катта ҳарфларда, «Times new Roman Bolt» шрифти, 10-кегль) сўзи ҳамда гувохнома тартиб рақами учун «№» белгиси ва 15 миллиметрли чизик жойлашган.

«GUVOHNOMA» сўзидан 11 миллиметр пастда мукофотланган шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исмини қайд этиш учун оралиғи 8 миллиметрли учта чизик тортилган.


Пастки чизиқдан 6 миллиметр куйида, марказда оралиғи 2 миллиметрли уч сатрдан иборат матн жойлашган. Биринчи сатрда «O'zbekiston Fermer, dehqon», иккинчи сатрда «xo'jaliklari va tomorqa yer», учинчи сатрда «egalar kengashining» («Times new Roman Bolt» шрифти, 10-кегль) сўзлари ёзилган.

Ундан 5 миллиметр пастда оралиғи 4 миллиметр бўлган икки сатрдан иборат матн жойлашган. Биринчи сатрда «20__ у. «__» _____dagi», иккинчи сатрда «__-sonli Qaroriga asosan» («Times new Roman Bolt» шрифти, 10-кегль) сўзлари ёзилган.

Ундан 5 миллиметр пастда, марказда оралиғи 4 миллиметрли икки сатрдан иборат матн жойлашган. Биринчи сатрда «ILG'OR FERMER» (катта ҳарфларда, «Times new Roman Bolt» шрифти, 12-кегль), иккинчи сатрда «ko'krak nishoni bilan mukofotlandi» («Times new Roman Bolt» шрифти, 10-кегль) сўзлари ёзилган.

Сўнгги сўзлардан 10 миллиметр пастда, чап томонда бир сатрдан иборат «Kengash raisi» («Times new Roman Bolt» шрифти, 10-кегль) сўзлари ёзилган.

«Илғор фермер» кўкрак нишони
гувоҳномаси



GUVOHNOMA №_____

_____ /amiyyasi/

_____ /ismi/

_____ /otasining ismi/

O'zbekiston Fermer dehqon
xo'jaliklari va tomorqa yer
egalari kengashining

20__ y. «__» _____ dagi

_____ -sonli Qaroriga asosan

«ILG'OR FARMER»

ko'krak nishoni bilan mukofotlandi

Kengash raisi



Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2018 йил 26 июн даги ПЖ-3803
карорига 4-илова

«Мехнаткаш дехқон» кўкрак нишони тўғрисидаги НИЗОМ

1. «Мехнаткаш дехқон» кўкрак нишони (кейинги ўринларда – кўкрак нишони) билан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришда юксак натижаларга эришаётган, зарур агротехник тадбирларга риоя этган ҳолда ажратилган ер участкаларидан самарали ва оқилона фойдаланиб, ахолига арzon ва сифатли маҳсулотларни етказиб бериш, уларни белгиланган сифат стандартлари талаблари асосида саклаш ва экспорт қилиш ишларига муносиб хисса қўшиб келаётган, илгор маҳаллий ва хорижий тажрибаларни пухта ўзлаштириб, замонавий инновацион технологияларни амалиётга жорий этаётган, экин майдонлари унумдорлигини ошириш борасида салмоқли ишларни амалга ошираётган дехқон хўжаликлари раҳбарлари, аъзолари, миришкор дехқонлар ва бошқа қишлоқ хўжалиги соҳаси ходимлари тақдирланадилар.

2. Кўкрак нишони билан тақдирлашга оид дастлабки таклифлар туман қишлоқ хўжалиги бўлими, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича туман кенгаши ҳамда маҳалла фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорликда туман фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши томонидан шакллантирилади.

3. Туман фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ҳар йилнинг 1 ноябрь санасига қадар туман ҳокимлиги билан келишган ҳолда кўкрак нишонига тавсия этилаётган номзодларнинг фаолиятига оид барча тегишли хужжатларни Коракалпоғистон Республикаси ва вилоятлар фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашларига тақдим этади.

4. Коракалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бўйсунувидаги шаҳарлардан кўкрак нишони билан тақдирлашга оид таклифлар тегишли шаҳар ҳокимликлари билан келишилган ҳолда Коракалпоғистон Республикаси ва вилоятлар фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашлари томонидан шакллантирилади.

5. Коракалпоғистон Республикаси ва вилоятлар фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашлари кўкрак нишони билан тақдирлашга тавсия этилган номзодлар бўйича хужжатларни кўриб чиқиб, Коракалпоғистон Республикаси Жўкорғи Кенгеси ва вилоятлар ҳокимликлари билан келишилган ҳолда ҳар йилнинг 15 ноябрь санасига қадар Ўзбекистон Фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашига тақдим этади.

6. Ўзбекистон Фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши кўкрак нишони билан тақдирлашга оид таклифларни кўриб чиқиб бўйича соҳанинг етакчи мутахассисларидан иборат Комиссияни ташкил этади.

Комиссия йиғилишида номзодлар бўйича хужжатлар кўриб чиқилиб, ҳар йилнинг 1 декабрь санасига қадар якуний хulosалар қабул килинади.

Комиссия хулосасига асосан кўкрак нишони билан тақдирлаш бўйича Ўзбекистон Фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг қарори қабул қилинади.

7. Кўкрак нишони ва унинг гувохномаси мукофотланганларга Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги ходимлари куни арафасида Ўзбекистон Фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси ёки унинг топшириғига биноан бошқа масъул шахслар томонидан тантанали вазиятда топширилади.

8. Кўкрак нишони билан тақдирлаш тўғрисидаги карор Ўзбекистон Фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

9. Бир шахс кўкрак нишони билан бир марта мукофотланади.

10. Кўкрак нишони давлат мукофотларидан кейин кўкракнинг чап томонига тақилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2018 йил 26 июн даги ПК-3803
карорига 5-илова

«Мехнаткаш дехқон» кўқрак нишонининг ТАВСИФИ

«Мехнаткаш дехқон» кўқрак нишони 38x49 миллиметр ўлчамдаги овал шаклида бўлиб, мис қотишмасидан тайёрланади.

Кўқрак нишонининг четки ён томонларида яшил рангли эмаль фонида дастурхонларимиз тўкин-сочинлигини ифода этувчи тимсоллар акс эттирилган бўлиб, унинг чап ён томонида узум шингиллари, ўнг ён томонида эса ўрик мевалари тилла рангда, ўртасидан чамбар ҳошия ўтган ҳолда тасвирланган.

Кўқрак нишонининг марказида рельеф шаклида ишланган қуёш нурлари фонида яшил рангдаги эмалдан ишланган ёш навниҳол ҳамда ҳар бир ниҳолни кўз корачигидек асрраб-авайловчи миришкор дехқоннинг машақкатли ва шарафли меҳнатини ифода этувчи кафт тасвири жойлашган.

Кўқрак нишонининг юқори қисмида янгиланиш, юксалиш ва яратувчилик каби маъноларни англатувчи кўк рангли саккиз қиррали юлдуз жойлашган бўлиб, унинг четлари зарҳал ҳошия билан ўралган.

Кўқрак нишонининг пастки қисмида кўк рангли шаклдор лента тасвирланган бўлиб, лента ичида икки қаторда, тилла рангда, харфларнинг баландлиги 2,2 миллиметр бўлган «МЕННАТКАШ ДЕҲҚОН» ёзуви жойлашган. Лентанинг пастки қисмида, марказда яшил рангли фонда тўртта тилла рангли гулбарг тасвири акс эттирилган.


Кўқрак нишонининг орқа томонига кийимга тақиб қўйиш учун тўғноғич кўринишидаги мослама ўрнатилган.

«Мехнаткаш деҳқон» кўкрак нишони

Олд томони



Орқа томони



Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2018 йил 26 июн даги ПҚ-3803
карорига б-илова

«Мехнаткаш дехқон» кўкрак нишони гувоҳномасининг ТАВСИФИ

«Мехнаткаш дехқон» кўкрак нишони гувоҳномаси 160x110 миллиметр ўлчамдаги китобча шаклида бўлиб, 240 г/кв.м. қалинликдаги оғсет қоғоздан тайёрланади.

Гувоҳноманинг ташки томони (биринчи ва тўртинчи бетлари) оч жигар рангда бўлиб, плёнка билан қопланган.

Гувоҳноманинг биринчи бети эни 7,5 миллиметри, ички бурчаклари айлана шаклида бўлган жигар рангли хошия билан ўралган.

Гувоҳноманинг юкори чеккасидан (биринчи бети) 35 миллиметр пастда, марказда оралиғи 3,5 миллиметри икки сатрдан иборат матн жойлашган. Биринчи сатрда «Mehnatkash dehqon», иккинчи сатрда «ko'krak nishoni» («Times new Roman Bolt» шрифти, 17-кегль) сўzlари ёзилган. Ундан 6 миллиметр пастда «GUVOHNOMASI» (катта ҳарфларда, «Times new Roman Bolt» шрифти, 17-кегль) сўзи ёзилган. Ёзувлар зарҳал рангда акс эттирилган.

Гувоҳноманинг ички томони (иккинчи ва учинчи бетлари) «Тангир» тасвири туширилган оч жигар рангда бўлиб, оғсет усулида чоп этилган.

Ички томонининг чап қисмида (иккинчи бети), марказда кўкрак нишонининг аслига тенг ўлчамдаги рангли тасвири акс эттирилган.

Гувоҳноманинг ички ўнг томони (учинчи бети) юкори чеккасидан 8 миллиметр пастда, марказда «GUVOHNOMA» (катта ҳарфларда, «Times new Roman Bolt» шрифти, 10-кегль) сўзи ҳамда гувоҳнома тартиб раками учун «№» белгиси ва 15 миллиметри чизик жойлашган.

«GUVOHNOMA» сўзидан 11 миллиметр пастда мукофотланган шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исмини қайд этиш учун оралиғи 8 миллиметри учта чизик тортилган.

Пастки чизиқдан 6 миллиметр қуида, марказда оралиғи 2 миллиметрли уч сатрдан иборат матн жойлашган. Биринчи сатрда «O'zbekiston Fermer, dehqon», иккинчи сатрда «xo'jaliklari va tomorqa yer», учинчи сатрда «egalari kengashining» («Times new Roman Bolt» шрифти, 10-кегль) сўzlари ёзилган.

Ундан 5 миллиметр пастда оралиғи 4 миллиметр бўлган икки сатрдан иборат матн жойлашган. Биринчи сатрда «20__ у. «__» _____dagi», иккинчи сатрда «__-sonli Qaroriga asosan» («Times new Roman Bolt» шрифти, 10-кегль) сўzlари ёзилган.

Ундан 5 миллиметр пастда, марказда оралиғи 4 миллиметри икки сатрдан иборат матн жойлашган. Биринчи сатрда «Mehnatkash dehqon» («Times new Roman Bolt» шрифти, 14-кегль), иккинчи сатрда «ko'krak nishoni bilan mukofotlandi» («Times new Roman Bolt» шрифти, 10-кегль) сўzlари ёзилган.

Сўнгги сўzlардан 10 миллиметр пастда, чап томонда бир сатрдан иборат «Kengash raisi» («Times new Roman Bolt» шрифти, 10-кегль) сўzlари ёзилган.

«Мехнаткаш дехқон» кўкрак нишони
гувоҳномаси

«Mehnatkash dehqon»
ko'krak nishoni
GUVOHNOMASI

GUVOHNOMA № _____



O'zbekiston Fermer dehqon
xo'jaliklari va tomorqa yer
egalari kengashining

20__ y. «__» _____ dagi
_____ -sonli Qaroriga asosan

«Mehnatkash dehqon»
ko'krak nishoni bilan mukofotlandi

Kengash raisi

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2018 йил 26 июн даги ПҚ-3803
карорига 7-илова

«Намунали томорқачи» кўкрак нишони тўғрисидаги НИЗОМ

1. «Намунали томорқачи» кўкрак нишони (кейинги ўринларда – кўкрак нишони) билан шахсий томорқа ер участкаларидан самарали ва окилона фойдаланиб, кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чикаришда юксак натижаларга эришаётган, соҳага замонавий инновацион технологияларни жорий этган ҳолда экологик ва органик тоза, арzon ва сифатли маҳсулотларни етиштириш ва ички бозорни улар билан барқарор таъминлаш, янги серхосил навларни кўпайтириш ишларига муносиб хисса кўшаётган, дехкончилик маданияти ва сир-асрорларини пухта эгаллаган, шунингдек, жамоат ишларидағи фаоллиги билан аҳоли ўртасида алоҳида хурматга сазовор бўлган илғор томорқа ер эгалари тақдирланадилар.

2. Кўкрак нишони билан тақдирлашга оид дастлабки таклифлар туман кишлоқ хўжалиги бўлими, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича туман кенгаши ҳамда маҳалла фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорликда туман фермер, дехкон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши томонидан шакллантирилади.

3. Туман фермер, дехкон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ҳар йилнинг 1 ноябрь санасига қадар туман ҳокимлиги билан келишган ҳолда кўкрак нишонига тавсия этилаётган номзодларнинг фаолиятига оид барча тегишли ҳужжатларни Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар фермер, дехкон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашларига тақдим этади.

4. Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бўйсунувидаги шаҳарлардан кўкрак нишони билан тақдирлашга оид таклифлар тегишли шаҳар ҳокимликлари билан келишилган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар фермер, дехкон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашлари томонидан шакллантирилади.

5. Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар фермер, дехкон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашлари кўкрак нишони билан тақдирлашга тавсия этилган номзодлар бўйича ҳужжатларни кўриб чиқиб, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва вилоятлар ҳокимликлари билан келишилган ҳолда ҳар йилнинг 15 ноябрь санасига қадар Ўзбекистон Фермер, дехкон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашига тақдим этади.

6. Ўзбекистон Фермер, дехкон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши кўкрак нишони билан тақдирлашга оид таклифларни кўриб чиқиб бўйича соҳанинг етакчи мутахассисларидан иборат Комиссияни ташкил этади.

Комиссия йиғилишида номзодлар бўйича ҳужжатлар кўриб чиқилиб, ҳар йилнинг 1 декабрь санасига қадар якуний хулосалар қабул қилинади.

Комиссия хулосасига асосан кўкрак нишони билан тақдирлаш бўйича Ўзбекистон Фермер, дехқон хўжаликлари ва томорка ер эгалари кенгашининг қарори қабул қилинади.

7. Кўкрак нишони ва унинг гувохномаси мукофотланганларга Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги ходимлари куни арафасида Ўзбекистон Фермер, дехқон хўжаликлари ва томорка ер эгалари кенгаши раиси ёки унинг топшириғига биноан бошқа масъул шахслар томонидан тантанали вазиятда топширилади.

8. Кўкрак нишони билан тақдирлаш тўғрисидаги қарор Ўзбекистон Фермер, дехқон хўжаликлари ва томорка ер эгалари кенгашининг оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

9. Бир шахс кўкрак нишони билан бир марта мукофотланади.

10. Кўкрак нишони давлат мукофотларидан кейин кўкракнинг чап томонига тақилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2018 йил 26 июн даги ПК-3803
қарорига 8-илова

«Намунали томорқачи» кўкрак нишонининг ТАВСИФИ

«Намунали томорқачи» кўкрак нишони 38x49 миллиметр ўлчамдаги овал шаклида бўлиб, мис қотишимасидан тайёрланади.

Кўкрак нишонининг четки ён томонларида яшил рангли эмаль фонида дастурхонларимиз тўкин-сочинлигини ифода этувчи тимсоллар акс эттирилган бўлиб, унинг чап ён томонида узум шингиллари, ўнг ён томонида эса ўрик мевалари тилла рангда, ўртасидан чамбар ҳошия ўтган ҳолда тасвиранган.

Кўкрак нишонининг марказида, олдинги планда саховатли заминимиз тухфаси бўлган, мевалар билан тўлдирилган оч яшил рангдаги сават тасвири акс эттирилган. Унинг ортида рельеф шаклидаги қуёш нурлари фонида яшил рангли эмалдан ишланган мевали дараҳтлар ва экин майдони ҳамда томорқа эгасининг даромад манбаларидан бири бўлган чорва хайвонлари ва уй тасвири ифодаланган.

Кўкрак нишонининг юқори қисмида янгиланиш, юксалиш ва яратувчилик каби маъноларни англатувчи тўқ қизил рангли саккиз қиррали юлдуз жойлашган бўлиб, унинг четлари зарҳал ҳошия билан ўралган.

Кўкрак нишонининг пастки қисмида тўқ қизил рангли шаклдор лента тасвиранган бўлиб, лента ичида икки қаторда, тилла рангда, ҳарфларнинг баландлиги 2 миллиметр бўлган «NAMUNALI TOMORQACHI» ёзуви жойлашган. Лентанинг пастки қисмида, марказда яшил рангли фонда тўртта тилла рангли гулбарг тасвири акс эттирилган.


Кўкрак нишонининг орқа томонига кийимга тақиб қўйиш учун тўғноғич кўринишидаги мослама ўрнатилган.

«Намунали томорқачи» кўкрак нишони

Олд томони



Орка томони



Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2018 йил 26 июн даги ПК-3803
карорига 9-илова

«Намунали томорқачи» кўкрак нишони гувоҳномасининг ТАВСИФИ

«Намунали томорқачи» кўкрак нишони гувоҳномаси 160x110 миллиметр ўлчамдаги китобча шаклида бўлиб, 240 г/кв.м. қалинликдаги оғсет қоғоздан тайёрланади.

Гувоҳноманинг ташки томони (биринчи ва тўртинчи бетлари) яшил рангда бўлиб, плёнка билан қопланган.

Гувоҳноманинг биринчи бети эни 7,5 миллиметрли, ички бурчаклари айлана шаклида бўлган тўқ яшил рангли ҳошия билан ўралган.

Гувоҳноманинг юкори чеккасидан (биринчи бети) 35 миллиметр пастда, марказда оралиғи 3,5 миллиметрли икки сатрдан иборат матн жойлашган. Биринчи сатрда «Namunali tomorqachi», иккинчи сатрда «ko'krak nishoni» («Times new Roman Bolt» шрифти, 17-кегль) сўзлари ёзилган. Ундан 6 миллиметр пастда «GUVOHNOMASI» (катта ҳарфларда, «Times new Roman Bolt» шрифти, 17-кегль) сўзи ёзилган. Ёзувлар зарҳал рангда акс эттирилган.

Гувоҳноманинг ички томони (иккинчи ва учинчи бетлари) «Тангир» тасвири туширилган оч мовий рангда бўлиб, оғсет усулида чоп этилган.

Ички томонининг чап кисмида (иккинчи бети), марказда кўкрак нишонининг аслига teng ўлчамдаги тасвири акс эттирилган.

Гувоҳноманинг ички ўнг томони (учинчи бети) юкори чеккасидан 8 миллиметр пастда, марказда «GUVOHNOMA» (катта ҳарфларда, «Times new Roman Bolt» шрифти, 10-кегль) сўзи ҳамда гувоҳнома тартиб раками учун «№» белгиси ва 15 миллиметрли чизик жойлашган.

«GUVOHNOMA» сўзидан 11 миллиметр пастда мукофотланган шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исмини қайд этиш учун оралиғи 8 миллиметрли учта чизик тортилган.


Пастки чизиқдан 6 миллиметр куйида, марказда оралиғи 2 миллиметрли уч сатрдан иборат матн жойлашган. Биринчи сатрда «O'zbekiston Fermer, dehqon», иккинчи сатрда «xo'jaliklari va tomorqa yer», учинчи сатрда «egalar kengashining» («Times new Roman Bolt» шрифти, 10-кегль) сўзлари ёзилган.

Ундан 5 миллиметр пастда оралиғи 4 миллиметр бўлган икки сатрдан иборат матн жойлашган. Биринчи сатрда «20__ у. «__» _____dagi», иккинчи сатрда «__-sonli Qaroriga asosan» («Times new Roman Bolt» шрифти, 10-кегль) сўзлари ёзилган.

Ундан 5 миллиметр пастда, марказда оралиғи 4 миллиметрли икки сатрдан иборат матн жойлашган. Биринчи сатрда «Namunali tomorqachi» («Times new Roman Bolt» шрифти, 14-кегль), иккинчи сатрда «ko'krak nishoni bilan mukofotlandi» («Times new Roman Bolt» шрифти, 10-кегль) сўзлари ёзилган.

Сўнгги сўзлардан 10 миллиметр пастда, чап томонда бир сатрдан иборат «Kengash raisi» («Times new Roman Bolt» шрифти, 10-кегль) сўзлари ёзилган.

«Намунали томорқачи» кўкрак нишони
гувоҳномаси



GUVOHNOMA № _____



O'zbekiston Fermer dehqon
xo'jaliklari va tomorqa yer
egalari kengashining

20 ____ y. « ____ » _____ dagi

_____ -sonli Qaroriga asosan

«Namunali tomorqachi»
ko'krak nishoni bilan mukofotlandi

Kengash raisi

